

НАМОЗДАН КЕЙИНГИ ЗИКР ВА ТАСБИҲ

05:00 / 04.01.2017 59854

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Бомдод намозидан кейин, оёғини йиққан ҳолида туриб, гапримасдан олдин ўн марта «Лаа илаҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку, ва лаҳул ҳамду, юҳъйи ва юмийту ва ҳува ала кулли шайъин қодийр» деса, унга ўн ҳасанот ёзилур, унинг ўн хатоси ўчирилур, унинг ўн даражаси кўтарилур. Ўша куни у барча ёқимсиз нарсадан ҳимояда бўлур ва шайтондан сақланур. Ўша куни уни гуноҳ ҳам тутмас, магар Аллоҳ таолога ширк келтирмаган бўлса», дедилар».

Шарҳ: Деярли кўпчилик машойихлар ва ўтган азизлар ушбу ривоятда келган дуони ўзларига кундалик вазифа қилиб олганлар. Ҳар бир киши бунга амал қилмоғи лозим. Чунки Бомдод намозидан кейин ўрнидан турмай, оёқлари йиғилган ҳолда, дунёвий гапларни гапирмай туриб бу дуони ўқиган одамга кўпгина яхшиликлар ваъда қилинмоқда;

1. Унга ўн ҳасанот ёзилур.
2. Унинг ўн хатоси ўчирилур.
3. Унинг ўн даражаси кўтарилур.
4. Ўша куни у барча ёқимсиз нарсадан ҳимояда бўлур.
5. Шайтондан сақланур.
6. Ўша куни уни гуноҳ ҳам тутмас, магар Аллоҳ таолога ширк келтирмаган бўлса. Агар Аллоҳ таолога ширк келтирган бўлса, иши чатоқ бўлади.

Бу ҳадиси шарифга амал қилишни йўлга қўйиш керак.

Убайда ибн Шуъайб ас-Сабаъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким шомдан кейин ўн марта «Лаа илаҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку, ва лаҳул ҳамду, юҳъйи ва юмийту ва ҳува ала кулли шайъин қодийр» деса, Аллоҳ уни тонг отгунча шайтондан муҳофаза қиладиган силоҳланган фариштани юборадир, Аллоҳ унга бу ила вожиб бўлган ўн ҳасанот ёзадир, унинг ўнта ҳалок қилувчи хатосини ўчирадир ва бу унинг учун ўнта озод қилинган қул каби бўлур», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳам Шом намозини ўқиб бўлгандан ва дунёвий гап гапирмасдан олдин бўлиши керак.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки хислат ёки одат бор. Мўмин банда уларни муҳофаза қилса, албатта, жаннатга киради. Иккиси осондир ва уларга амал қиладиган оздир. Ҳар бир намоздан кейин ўн марта тасбиҳ айтади, ўн марта Аллоҳга ҳамд айтади ва ўн марта такбир айтади. Ўша ҳаммаси тилда бир юз элликта. Тарозуда бир минг беш юзта.

Қачон ётар жойини олса ўттиз тўрт марта такбир, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз уч марта тасбиҳ айтади. Булар тилда юзта, тарозуда мингта. Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларни қўллари билан санаётганларини кўрдим. Шунда:

«Эй, Аллоҳнинг Расули! уларнинг оз бўлгани ва уларга амал қиладиган оз бўлиши қандоқ?» дейишди.

«Шайтон бирингизга уйқусида келади ва уни айтишидан олдин ухлатиб қўяди. Намозида келиб уни айтишидан олдин ҳолатини эсига солади», дедилар». Сунан эгалари ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳадиси шарифдаги «Ҳар бир намоздан кейин ўн марта тасбиҳ айтади, ўн марта Аллоҳга ҳамд айтади ва ўн марта такбир айтади. Ўша ҳаммаси тилда бир юз элликта» дейилганда беш вақт намоз кўзда тутилган.

Бу ерда намоздан кейин ва ухлашдан олдин тасбиҳ, ҳамд ва такбир айтишнинг яна бир услуби ҳақида сўз кетмоқда. Уйқуга кетишдан олдин ўттиз тўрт марта такбир, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз уч марта тасбиҳ айтиб ётишга амал қилиб борилса катта хайр баракага эга бўлинади.

Аммо намоздан кейин айтиладиган тасбиҳ, ҳамд ва такбирда бошқа ҳадиси шарифга амал қилиниб келинмоқда.

Имом Муслим ва Термизий Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «(Намоз) ортидан келувчиларни айтувчилар ёки қилувчилар ноумид бўлмаслар. Ҳар бир намоз ортидан ўттиз учта тасбиҳ, ўттиз учта ҳамд ва ўттиз тўртта такбир», дедилар».

Ушбу ҳадисда зикр қилинган ҳар бир намоз ортидан ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамду лиллаҳ», ўттиз тўрт марта «Аллоҳу акбар»ни зикр қилиш, кейинги ривоятларда келадиган зикрлар ила уйғунлашиб татбиққа кирган.

Имом Муслимнинг ривоятида:

«Ким ҳар намоздан кейин, ўттиз уч марта Аллоҳга тасбиҳ айтса, ўттиз уч марта Аллоҳга ҳамд айтса, ўттиз уч марта Аллоҳу акбар», деса ҳаммаси тўқсон тўққиз бўлур, юзтанинг тамом бўлиши: «Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шаъий қодийр»ни айтса унинг гуноҳлари денгиз кўпиклари каби бўлса ҳам мағфират қилинур», дейилган.

Имом Муслимнинг ривоятига аввал ёки охирида «Оятул Курсий»ни қўшиб ўқишни сўфийлар жорий қилганлар. Буни, сўфийлар хатмиси, деб номланади. Бу нур устига нур дейилади. Чунки, «Оятул Курсий» Қуръони Каримдаги энг улуғ оятдир. Ушбу хатмни қилиш бизда ҳам жорий бўлиб келаётган нарсадир.

Намоздан кейин имом қавмга қараб ўтириб жамоат ўлароқ зикрларни айтиб, сўнгра қўлларини кўтариб дуо қилишлари, қавмнинг имомнинг дуосига омийн, омийн деб туриши ҳақида саволлар кўп. Авваллари бу масалада ҳеч гап кўтарилмас эди. Аммо кейинги пайитда турли сабабларга кўра саволлар кўпайди.

Аслида бу масала аллақачон ҳал бўлган муҳаддислар ўз китобларида бу борадаги ҳадисларни ривоят қилган ва фуқаҳолар ўз китобларида уни яхшилаб таҳлил қилиб ечиб берган эдилар.

Аммо баъзи одамлар бу масалани яна қайта кўтариб одамларнинг хаёлини паришон бўлишига сабаб бўлдилар. Аслида эса эски гапни яна қайта кўзидилар.

Начора, модомики ўзи билмаган нарсани инкор қиладиганлар бўлар экан қайта-қайта овора бўлишдан бошимиз чиқмайди.

Шунинг учун мухтарам китобхонга қисқача баёнот беришни лозим кўрдик.

Аввало бу масалада алоҳида рисоалар ёзганлар ҳам бўлганини айтиб қўймоқчимиз.

Мисол учун Махдум Муҳаммад Ҳошим ат-Таттавий ас-Синдийнинг «Мухтасари ат-Тухфатул Марғуба фи афзалияти ад-Дуои баъдал Мактуба»-(Фарз намозидан кейинги дуонинг афзаллиги ҳақида марғуб тухфа мухтасари) китобини келтиришимиз мумкин.

Бу китобда муаллиф фарз намоздан кейин қўлни кўтариб дуо қилиш, жамоат бўлиб дуо қилиш ва омийн, омийн деб туриш ҳақидаги кўплаб ҳадисларни келтирган.

Биз ўзимизга жуда керакли биргина иқтибос келтириш билан кифояланамиз:

«Агар шайх Абдул Ҳақ Деҳлавий р-и. «ас-Сиротул Мустақийм»га қилган шарҳида: Араб ва ажам юртларида одат бўлиб қолган саломдан кейин имом ва қавмнинг тўпланиб дуо қилишлари, имомлар дуо қилиб қавмнинг омийн деб туриши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятларидан эмас, бу ҳақида бирорта ҳадис келмаган, бу нарса мустаҳаб саналган бидъатдир», деган унга нима жавоб берилади, дейилса, айтамикки:

«Унга жавоби қуйидагича;

1. «Мифтоҳус Солат»нинг соҳиби Аллома Фатҳ Муҳаммад ибн шайх Ийсо аш-Шиторий ўзининг «Футуҳул Аврод» деб номланган китобида қуйидагиларни айтган:

2. «Албатта, шайх Абдул Ҳақ олти саҳиҳ ҳадис китобларида ва бошқа китобларда намоздан кейин қилинадиган дуолар ҳақидаги ҳадисларни кўрмагани учун бу ишни бидъат деб айтган.

3. 2. Агар шайх Абдул Ҳақ намоздан кейин дуо қилиш аслида бидъат деган гапни ирода қилган бўлса, шубҳасиз гапи нотўғри. Чунки бу гапни биз ривоят қилган фарз намозидан кейинги дуолар ҳақидаги ривоятларнинг ҳаммаси уни рад қилади.

4. 3. Агар шайх Абдул Ҳақ намоздан кейин икки қўлни кўтариб, иқтидо қилувчиларнинг омийн, омийн, деб туриши шаклидаги дуони бидъат деган бўлса, бу гапи ҳам нотўғри. Чунки, дуода икки қўлни кўтариш суннатдир, дуонинг охирида икки қўлни юзга суртиш ҳам дуонинг суннати дир, эшитувчиларнинг омийн, омийн, деб туришлари ҳам дуонинг суннатларидан.

5. Агар бу ишларнинг ҳаммаси мустаҳаб суннатлардан бўладиган бўлса, суннат нарсалардан таркиб топган иш нима учун бидъат бўлар экан?! Бу ишни бидъат дейиш мутлақо нотўғридир».

6. Кейин муаллиф мазкур уч суннат амалнинг ҳар бирига ўнлаб ҳадисларни далил қилиб келтиради.